

А Ж Р И М

(тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил октябрь ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, суд биносида, очик суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси А.Қахрамоновнинг раислигида, А.Махаматхановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Дадабоевнинг иштирокида, судланувчи М.Убайдуллаева ва унинг ҳимоячиси “Хамрох адвокатлар” адвокатлик фирмаси адвокати М.Орзиқулов, жабрланувчи Ф.Ахмедованинг қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Убайдуллаева Муяссархон Абдурахатовнани айблаш ҳақидаги 1-1601-2001/19-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи Убайдуллаева Муяссархон Абдурахатовна – 02.08.1980 йилда Косонсой туманида туғилган, миллати тожик (ўзбек тилини тушунади, таржимон хизматига муҳтож эмас), Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, уй бекаси, муқаддам судланмаган, Янги Наманган тумани, Гўзал МФЙ, Қ.Мамарасулов кўчаси, 1-уйда яшайди, иш бўйича 08.09.2022 йилда муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини муддатида олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрларини тинглаб, уларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи М.Убайдуллаева 2022 йил 6 июнь куни, соат 19:30 ларда таниши Наманган шаҳри, Даштбоғ МФЙ, Тўрақўрғон кўчаси, 196-уйда яшовчи фуқаро Таджибоева Хабиба Мамадалиевнани билан учрашиб қолиб, “мендан насиёга олган нарсаларингни пулини қачон берасан” деб танасининг турли қисмига қўли билан уриб тан жароҳати етказган.

РСТЭИМ Наманган филиалининг 06.07.2022 йилдаги 3732/2767-сонли хулосасида Х.Таджибоева олган тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

Судланувчи М.Убайдуллаева суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган



қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи Ф.Ахмедовадан узр сўраб, у билан ўзаро ярашиб олганлигини, жабрланувчи Ф.Ахмедованинг унга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлигини, у билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ф.Ахмедова суд мажлисида берган ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи М.Убайдуллаевага нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ҳозирда соғлиги яхшилангани, М.Убайдуллаевани кечиргани ва у билан ярашиб олганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи Ф.Ахмедова ҳамда судланувчи М.Убайдуллаеванинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи М.Убайдуллаеванинг муқаддам судланмаганлиги ва айбига тўлиқ иқроорлиги, жабрланувчи билан ўзаро ярашиб олганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси

2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, судланувчи М.Убайдуллаевага нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 582, 583, 586-моддаларини қўллаб, ажрим қилади

А Ж Р И М :



Судланувчи Убайдуллаева Муяссархон Абдухатовнага нисбатан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин, судланувчи М.Убайдуллаева жиний жавобгарликдан озод қилинсин.

Судланувчи М.Убайдуллаевага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинганидан бошлаб

20 (йигирма) кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи, судья
А.Қахрамонов

Маъсул судья: Қахрамонов Алижон Қахрамонович

